




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЎҚУВ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ: ТАЪРИФ, ТАВСИФ, ТАСНИФ



Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдач \_\_\_\_\_

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|

294

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ғ.И.МУХАМЕДОВ, У.Н.ХОДЖАМҚУЛОВ

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН  
КЛАСТЕРИ:  
ТАЪРИФ, ТАВСИФ, ТАСНИФ

(илмий рисола)

2942

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI  
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI

2942

Чирчик  
“Университет”  
2019

Ғ.Мухамедов, У.Ходжамқулов. “Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф” инновацион тажриба майдончалари ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича услубий қўлланма. Чирчиқ, ЧДПИ, 2019 йил.

Мазкур илмий рисолада Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши бўлган “Педагогик таълим инновацион кластери”нинг илмий-назарий асослари ҳақида сўз юритилган. Таълим кластерлари борасида хорижий тадқиқотчиларнинг таъриф ва тавсифлари таҳлил қилинган. Педагогик таълим кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатидаги хусусиятлари, унинг таълимга нисбатан инновацион ёндашув эканлиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни кластер воситасида интеграциялашнинг назарий жиҳатлари, кластернинг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатидаги ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, педагогик таълим кластери амалиётта жорий этилишининг шакли сифатида қаралаётган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, умумтаълим мактабларида мавжуд муаммоларни бартараф этишда олий таълимнинг илмий салоҳиятидан кенг фойдаланиш механизмлари тадқиқ қилинган. Рисолада миллий педагогикамизда янги ҳодиса ҳисобланган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси тушунчасининг таърифи ва тавсифи, шунингдек, ушбу муаммо билан боғлиқ асосий тушунчаларнинг изоҳи келтирилган.

Илмий рисолада педагогик олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, шунингдек, “Педагогик таълим инновацион кластери” бўйича илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

#### Тақризчилар:

Б.Меңглиев – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори;

С.Матчонов – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

Чирчиқ давлат педагогика институти Кенгашининг 2019 йил 29 сентябрдаги 2-сонли мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5602-8-4

## КИРИШ

Таълимни ислох қилишнинг зарурати

Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам қамраб олмакда. Миллий таълим тизимининг кейинги чорак асрдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қўғиёб ижобий ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасида алоқа ва узвийлик таъминланишида айрим камчиликлар ҳам кузатишмоқдаки, бу пировардида, мақсадни белгилашдаги тарқоқлик ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотида мувозанатнинг бузилиши кузатилди. Бу айрим ҳудудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлди.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йилдан ошқроқ вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини татбиқ этиш, соҳага инновациялар киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим-фан-ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида баъзи соҳаларда юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи, бевосита, узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истикбол

Таълимга нисбатан кластер ёндашуви

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3305-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3304-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 14 март, ПҚ-2829-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 22 май, 304-сон.



режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди. Умунан, бу муаммо кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айна масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида, педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айланмоқдаки, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Иқтисодиёт ва таълимни ислоҳ қилиш мамлакатимиз олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва жаҳон бозорида таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга зарурат туғдирмоқда. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ҳамда таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

## “КЛАСТЕР” ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши натижасида барча соҳаларга жорий қилинаётган инновацияларнинг мақсади мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган. Соҳаларга инновацияларни жорий қилиш мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада ўзига хос янги йўللарни қидиришдан кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда у аграр, тўқимачилик, енгил саноат ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Қисқа муддат ичида кластер модели иқтисодиётда истикболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилиб, уни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Аслида “кластер” (cluster) сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “гурух”, “концентрация”, “гурухларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда ҳам кенг қўлланила бошланди.

Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтиради.<sup>2</sup>

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) сифатида тасаввур қилиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми, деб тушунади.<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

<sup>3</sup> Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействие образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006

режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди. Умуман, бу муаммо кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айна масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида, педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айланмокдаки, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Иқтисодиёт ва таълимни ислоҳ қилиш мамлакатимиз олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва жаҳон бозорида таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга зарурат туғдирмокда. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ҳамда таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини тақозо этмокда.

## “КЛАСТЕР” ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши натижасида барча соҳаларга жорий қилинаётган инновацияларнинг мақсади мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган. Соҳаларга инновацияларни жорий қилиш мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада ўзига хос янги йўлларни қидиришдан кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмокда. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда у аграр, тўқимачилик, енгил саноат ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилмокда. Қисқа муддат ичида кластер модели иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилиб, уни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмокда.

Кластер—инновация

Аслида “кластер” (cluster) сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “гуруҳ”, “концентрация”, “гуруҳларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда ҳам кенг қўлланила бошланди.

Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтиради.<sup>2</sup>

Кластер-тажрифлари

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) сифатида тасаввур қилиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми, деб тушунади.<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

<sup>3</sup> Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006